



## БИРЛАШГАН МИЛЛАТ ТАШКИЛОТИ ХУЖЖАТЛАРИДА СПОРТ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

**Каримжон Мусашайхов**

*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти (БМТ)нинг расмий хужжатлари ва резолюцияларида спорт соҳасида коррупцияга қарши курашиш масалалари таҳлил қилинади. Муаллиф БМТнинг спорт орқали тинчлик ва барқарор ривожланишга эришишдаги роли ҳамда бу соҳадаги ҳалоллик, шаффофлик ва жавобгарлик мезонларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини кўриб чиқади. Хусусан, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари, спортда ҳалоллик дастурлари доирасидаги чора-тадбирлар ва тавсиялар таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада БМТнинг резолюцияларида белгиланган спорт соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмлар ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳам ёритилади. Тадқиқот натижалари коррупцияга қарши самарали стратегияларни ишлаб чиқишда илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.*

**Калит сўзлар:** *Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти, спорт, коррупция, халқаро ҳуқуқ, барқарор ривожланиш мақсадлари, шаффофлик, спортда ҳалоллик.*

**Аннотация:** *В данной статье рассматриваются вопросы противодействия коррупции в сфере спорта на основе анализа официальных документов и резолюций Организации Объединённых Наций (ООН). Автор изучает роль ООН в продвижении мира и устойчивого развития через спорт, а также инициативы, направленные на укрепление принципов честности, прозрачности и подотчётности в этой сфере. Особое внимание уделяется Целям устойчивого развития до 2030 года, мероприятиям и рекомендациям в рамках программ по обеспечению честности в спорте. В статье также освещаются правовые механизмы и значение международного сотрудничества, предусмотренные резолюциями ООН, направленными на предотвращение коррупции в спортивной сфере. Результаты исследования имеют научную и практическую значимость для разработки эффективных антикоррупционных стратегий.*

**Ключевые слова:** *Организация Объединённых Наций, спорт, коррупция, международное право, Цели устойчивого развития, прозрачность, честность в спорте.*

**Abstract:** *This article examines issues related to combating corruption in the field of sports based on the analysis of official documents and resolutions of the United*





*Nations (UN). The author explores the UN's role in promoting peace and sustainable development through sports, as well as initiatives aimed at strengthening the principles of integrity, transparency, and accountability in this area. Special attention is given to the Sustainable Development Goals (SDGs) set for 2030, as well as measures and recommendations within programs promoting integrity in sports. The article also highlights legal mechanisms and the importance of international cooperation outlined in UN resolutions aimed at preventing corruption in the sports sector. The research findings hold both scientific and practical significance for the development of effective anti-corruption strategies.*

**Keywords:** *United Nations, sport, corruption, international law, Sustainable Development Goals, transparency, integrity in sport.*

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги илм-фан, техника ва янги ахборот технологиялари ривожининг жадаллашуви, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос янги давр – глобаллашув асрини бошлаб берди. Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ялпи ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва ахборот, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний кадриятлар билан миллий ўзига хос анъана ва кадриятларни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Афсуски, дунё миқёсидаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам яққол кузатиляпти. Шу жиҳатдан, коррупция ҳам умумжаҳон миқёсидаги муаммолардан бирига айланди.

Ҳеч кимга сир эмаски, коррупция кеча ва бугун пайдо бўлиб қолган, фақат бир мамлакатга хос ижтимоий иллат эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларида қайд этилганидек, коррупция ҳеч қайси мамлакатни четлаб ўтмайдиган мураккаб ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодисадир<sup>12</sup>.

Шу боисдан, бугунги кунда коррупция локал муаммодан бутун жаҳондаги барча мамлакатлар ҳаётига раҳна соладиган, мазкур жараёнда ушбу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида барчани бирдек сергак туришига ва ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш заруратини белгилаб берадиган глобал ҳодисага айланган.

Қайд этиш жоизки, мазкур жараёнда спорт тинчлик, бағрикенглик ва бирдамликни кучайтирувчи умумбашарий воситага айланиб бормоқда.

Ўз навбатида, алоҳида эътироф этиш керакки, спорт инсон фаолиятининг глобал маҳсули ҳисобланиб, у “2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадлари”<sup>13</sup> га эришишда муҳим роль ўйнайди.

<sup>12</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

<sup>13</sup> <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/about/development-agenda>



Шу жиҳатдан, БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатлар спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда халқаро стандартларни белгиламоқда, давлатлар ва ташкилотларни мажбуриятларга ундамоқда ва глобал ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, спорт соҳасидаги, биринчи навбатда, коррупция билан боғлиқ кўплаб жиноятлар трансмиллий хусусиятга эга эканлиги ва уюшган жиноий гуруҳлар иштирокида содир этилишини инобатга олиб, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда давлатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси”<sup>14</sup>ни қайд этиш муҳимдир. Ушбу ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, конвенция унга аъзо бўлган давлатлар зиммасига коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш учун қонунчилик чоралари, маъмурий ёки бошқа самарали чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Коррупцияга қарши глобал курашиш борасида БМТ томонидан қабул қилинган муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан яна бири - бу Коррупцияга қарши конвенцияси бўлиб, у коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ягона юридик жиҳатдан мажбурий бўлган универсал ҳужжатдир. Конвенцияда қўлланиладиган кенг қамровли ёндашув ва унинг кўплаб бандларининг мажбурий хусусияти туфайли у глобал муаммолардан бирига комплекс ечимларни ишлаб чиқиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, конвенция қабул қилинганида спорт соҳасидаги коррупция мавзуси бугунги кундагидек халқаро ҳамжамият учун у қадар жиддий муаммога айланмаган бўлсада, унинг универсал характерга эга эканлиги сабабли коррупциянинг ҳозирда мавжуд бўлган ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган турли шакллари ва уларга қарши курашиш усуллари баён қилиб ўтилган.

Шу билан бирга, мазкур конвенция спорт ташкилотлари учун юридик жиҳатдан мажбурий ҳужжат аҳамият касб этмасада, ушбу тузилмалар ва тегишли манфаатдор томонлар учун коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда самарали ижросини таъминлашга ҳамда жорий этилган механизмларнинг самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон беради.

Бундан ташқари, конвенция спортдаги коррупция анъанавий равишда трансмиллий характер касб этиши сабабли, унга қарши самарали курашиш учун давлатларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишида муҳим роль ўйнайди.

---

<sup>14</sup> Конвенция против транснациональной организованной преступности (принята в г. Нью-Йорке 15.11.2000 Резолюцией 55/25 на 62-м пленарном заседании 55-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН). <https://www.unodc.org/unodc/en/organized-crime/intro/UNTOC.html>





Умуман, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш, жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш, халқаро ҳамкорлик ва техник ёрдам кўрсатиш ҳамда маълумотлар алмашиш йўналишларида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин БМТ доирасида спорт соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш масалалари аста-секин халқаро миқёсда аҳамият касб эта бошлади. Бу йўналишдаги муҳим ташаббус ва тавсиялар эса БМТнинг умумий антикоррупция сиёсати ва спорт орқали тинчлик ҳамда тараққиётни қўллаб-қувватлашга оид қатор резолюциялари қабул қилинишига туртки бўлди.

Бу борадаги илк резолюция 2003 йил 3 ноябрда қабул қилинган бўлиб, унда спорт ва жисмоний тарбия таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳамкорлик, тинчлик ва ривожланишни тарғиб қилувчи муҳим восита сифатида эътироф этилган ва 2005 йил “Спорт ва жисмоний тарбия бўйича халқаро йил” деб эълон қилинган. Ушбу ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳати, давлатлар зиммасига аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва кам таъминланган тоифалар учун спортда тенглик ва адолатни таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш масъулиятини юклаган<sup>15</sup>.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2013 йил 23 августда қабул қилинган 67/296-сонли резолюцияси билан эса спортнинг ижтимоий ва тараққиётдаги ўрни расман тан олинган ҳолда 6 апрель санаси “Халқаро тараққиёт ва тинчлик учун спорт куни” сифатида белгиланган<sup>16</sup>.

2014 йил 31 октябрдаги “Спортни таълим, соғлиқ, тараққиёт ва тинчликни тарғиб қилиш воситаси сифатида қўллаш” номли резолюцияда спортда шаффофлик ва ҳалолликни таъминлаш зарурлиги таъкидланиб, илк бор спортдаги ҳалоллик масалалари илгари сурилган<sup>17</sup>.

Шунингдек, БМТ Бош қотиби томонидан 2018 йил 14 августда Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессиясида сўзлаган “Спортдан тараққиёт ва тинчлик йўлида фойдаланиш учун глобал асосни мустаҳкамлаш” номли докладида БМТнинг “Тараққиёт ва тинчлик учун спорт бўйича Ҳаракат дастури”га мувофиқ, бу борадаги саъй-ҳаракатлар қуйидаги тўртта устувор йўналишга қаратиш таклиф қилинган:

а) тараққиёт ва тинчлик учун спортдан фойдаланишнинг глобал асосларини янада ривожлантириш;

б) барча ривожланиш дастурлари ва сиёсатларида тараққиёт ва тинчликни рағбатлантириш воситаси сифатида спортнинг интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш;

<sup>15</sup> <https://docs.un.org/ru/A/RES/58/5>

<sup>16</sup> <https://docs.un.org/en/A/RES/67/296>

<sup>17</sup> <https://docs.un.org/ru/A/RES/69/6>





в) инновацион молиялаштириш механизмлари ва кўп томонлама келишувларни илгари суриш;

г) мониторинг ва баҳолаш воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш”<sup>18</sup>.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 3 декабрдаги “Спорт барқарор тараққиётни таъминлаш омили” номли резолюциясида эса спорт соҳасида коррупция барқарор ривожланиш йўлидаги таҳдид сифатида баҳоланиб, давлатлардан спортда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга, бу борада қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини кучайтиришга, шунингдек, ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини такомиллаштиришга чақирилган<sup>19</sup>.

2019 йил 18 декабрдаги “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасида ёшларга йўналтирилган стратегияларга спортни интеграция қилиш” номли 74/170-сонли резолюцияда ҳам спорт барқарор ривожланишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланиши мустаҳкамланиб, ёшлар учун спортдаги коррупция хавфларини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозимлиги, бунда “Спортни коррупция ва жиноятчиликдан ҳимоя қилиш” глобал дастури имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган<sup>20</sup>.

Шу каби, 2021 йил 28 майда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил 17 декабрдаги 73/191-сонли резолюцияда белгиланган вазифалар ижроси бўйича коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги муаммоларни ва чора-тадбирларни самарали ҳал этиш ва амалга ошириш умумий мажбурият сифатида унга қарши курашиш ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий декларацияси қабул қилинган<sup>21</sup>.

Мазкур ҳужжатда спортни коррупциядан ҳимоя қилиш учун БМТ доирасида кенг қамровли ва ҳолисона асосда саъй-ҳаракатларни кенгайтириш ва янада мувофиқлаштириш, барча даражадаги спорт ташкилотлари, тегишли ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар ва тегишли миллий органлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳим восита сифатида кўрсатилган. Шу мақсадда спорт ташкилотлари ва кенг спорт жамоатчилиқни ҳалол курашнинг қадр-қиммати ва коррупциянинг жиддий оқибатлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш, спорт ташкилотларида ҳисобдорлик ва тегишли бошқарувни тарғиб қилиш ва тажриба алмашиш, ахборотни ўз вақтида тарқатиш ва муваффақиятли амалиётлар намуналарини тадбиқ этишга ёрдам бериш илгари сурилган.

<sup>18</sup> <https://undocs.org/ru/A/73/325>

<sup>19</sup> <https://docs.un.org/ru/A/RES/73/24>

<sup>20</sup> <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N19/429/68/PDF/N1942968.pdf?OpenElement>

<sup>21</sup> Политическая декларация «Наша общая приверженность эффективному решению проблем и осуществлению мер в сфере предупреждения коррупции, борьбы с ней и усиления международного сотрудничества». – URL: <https://undocs.org/ru/A/S-32/L.1>



Шунингдек, аҳолининг заиф қатламлари, хусусан, болалар ва ёш спортчиларнинг спортдаги коррупция оқибатида дуч келадиган хавфини камайтириш, ҳалол спорт кураши ва соғлом турмуш тарзи ғояларини тарғиб қилиш, ҳалоллик тамойилларини ишлаб чиқиш, ўсмирлар ва ёшлар спортида коррупцияга нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш ва уларни шу руҳда тарбиялаш бўйича ички ҳуқуқий механизмларни жорий этиш назарда тутилган.

Шунингдек, 2021 йил 9 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг коррупцияга қарши кураш бўйича махсус сессиясида БМТ тарихида биринчи мартаба “Спортда коррупция қарши глобал ҳисоботи (UNODC Global Report on Corruption in Sport)”<sup>22</sup>, - эълон қилинган.

Унда спорт соҳасидаги коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг глобал, минтақавий ва миллий даражалардаги кўлами, кўринишлари ва ўзи хос мураккаб жиҳатлари очиб берилган.

Шундан келиб чиқиб, ҳисоботда куйидаги долзарб масалаларга аҳамият бериш лозимлиги таъкидланган:

– спортда турли шаклдаги коррупция ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича глобал, минтақавий ва миллий даражада ҳуқуқий, сиёсий ва институционал асосларни мустаҳкамлаш;

– йирик спорт тадбирларини ташкил этиш, мусобақалар натижаларини манипуляция қилиш, ноқонуний пул тикиш ва спортда уюшган жиноятчилик иштирокини чеклашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, спортдаги коррупцияга қарши кенг қамровли сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– спорт ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ўртасида ҳамкорлик ва ахборот ҳамда тажриба алмашинувини ривожлантириш ва кенгайтириш;

– спортдаги коррупция ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг сабаб ва шарт-шароитларини англаб етиш ҳамда бу муаммога қарши курашишда тегишли давлат органлари ва спорт ташкилотларининг салоҳиятини ошириш.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ушбу глобал ҳисобот амалиётчилар, олимлар ва соҳанинг бошқа вакиллари учун спортдаги коррупцияни тушуниш, унинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна бир спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда халқаро миқёсда ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлашда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо-давлатлар конференциясида қабул қилинадиган ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайди.

<sup>22</sup> Глобальный отчет УПН ООН о коррупции в спорте. URL: [https://www.unodc.org/res/safeguardingsport/grcs/2203222\\_SPORTS\\_rus\\_Full\\_report\\_Ebook.pdf](https://www.unodc.org/res/safeguardingsport/grcs/2203222_SPORTS_rus_Full_report_Ebook.pdf)





БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо-давлатлар конференцияси – бу 2003 йилда қабул қилинган БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси доирасидаги давлатлар иштирокида ўтказиладиган халқаро йиғилишдир. Ушбу конференциянинг асосий вазифаси – аъзо давлатлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тажрибалар алмашиш, конвенциянинг самарали амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Конференция спортда коррупцияга қарши курашда қуйидаги йўналишларда муҳим роль ўйнайди:

- спортда коррупцияга оид халқаро стандартлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- аъзо давлатларнинг спорт соҳасида коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва амалиётларини мувофиқлаштириш;

- давлатларaro ҳамкорликни кучайтириш орқали спортдаги коррупция ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши чора кўриш;

- спортда шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишга кўмаклашиш.

Бу борада 2016 йил 22-24 август кунлари Венада ўтказилган конференция доирасидаги муҳокамалар якунида “Спортда ҳалоллик ва поклик”<sup>23</sup> ҳақида қабул қилинган ҳужжат жаҳонда спорт соҳасидаги коррупцияга қарши курашишни кучайтиришга қаратилган илк муҳим ташаббусларни ўзи ичига олганлиги билан муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан ҳужжатда иштирокчи-давлатлар томонидан спорт соҳасидаги коррупция ва трансмиллий уюшган жиноятчилик хавфини камайтириш бўйича амалга оширган чора-тадбирлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ушбу амалга оширилган илғор тажрибалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва спорт ташкилотларининг коррупциянинг олдини олиш ва ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда миллий ва халқаро даражада ўзаро тажриба алмашишга имкон бермоқда.

Шу каби, конференциянинг 2017 йил 6-10 ноябрь кунлари Венада бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган “Спортда коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги 7/8-сонли резолюция<sup>24</sup> спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда қатта қадам бўлиб, 183 та давлат томонидан қўллаб-қувватланган. У спортдаги корпоратив харидлар, мусобақаларни ташкил этиш, келишилган ўйинлар, ноқонуний спортга пул тикиш, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш дастурлари ва бошқа ҳуқуқий масалаларни ўзи ичига қамраб олган.

Хусусан, резолюцияда иштирокчи давлатлар спортда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатларини янада кучайтиришга ҳамда спортдаги коррупция хавфларини самарали бартараф этишга қаратилган чораларни кўришга чақириб қолинган.

<sup>23</sup> <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/workinggroup4/2016-August-22-24/V1603226r.pdf>

<sup>24</sup> <https://docs.un.org/ru/CAC/COSP/2017/14>





Шунингдек, спорт соҳасидаги коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш, одоб-ахлоқ қоидалари ва шаффофлик принципига риоя қилишни рағбатлантириш, спорт ташкилотларида ички назорат механизмларини жорий этиш ҳамда бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқин ҳамкорлик қилиш тавсия этилган.

Мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида Италия, Япония ва Россия Федерациясининг ташаббуси билан 2019 йил 16-20 декабрь кунлари Абу-Дабида бўлиб ўтган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо-давлатлар конференциясида “Спортни коррупциядан ҳимоя қилиш” ҳақида 8/4-сонли резолюция<sup>25</sup> қабул қилинган.

Унда аъзо-давлатлар спорт ташкилотлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш орқали спорт соҳасидаги коррупцион жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, миллий қонунчиликда пора олиш ва коррупциянинг бошқа шакллари учун жавобгарликни назарда тутиш орқали спорт соҳасидаги коррупциявий ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга, спортда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ёш спортчилар дуч келадиган хавфларни камайитириш чораларини кўришга чақирилган.

Шу билан бирга, спорт тадбирларига тайёргарлик кўриш жараёнида шаффофлик, рақобат ва қарор қабул қилишнинг объектив мезонларига асосланган ва коррупциянинг олдини олиш нуқтаи назаридан самарали бўлган давлат харидлари тизимини жорий этиш кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, спортда ахлоқий хулқ-атвор қоидаларини рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан, тегишли ҳолларда спорт ташкилотларининг юқори лавозимли шахслари учун ваколат муддатларини белгилаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тегишли маълумотларни, жумладан, уставлар, қоидалар, низомлар, фаолиятнинг йиллик ҳисоботлари, йирик тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлар, сайловлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва очиқлаш имкониятини яратиш ҳамда бу йўналишдаги сиёсат ва тартиб-қоидаларга риоя қилинишини мониторинг қилиш каби қатъий тавсиялар берилган.

Қайд этиш жоизки, ушбу тавсиялар спортда адолат ва шаффофликни сақлашда, коррупцияни олдини олиш ва хавфларни барвақт аниқлашда ҳамда аъзо-давлатлар ва спорт ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни яна кучайтиришда ўзининг амалий ифодасини топади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги глобаллашув жараёнида дунё мамлакатлари ўзаро ҳамкорликни кучайтириб, халқаро ҳуқуқий механизмлар орқали коррупцияга қарши курашишни устувор вазифа сифатида белгиладилар.

<sup>25</sup> <https://docs.un.org/ru/CAC/COSP/2019/17>





Коррупция, айниқса спорт соҳасида, трансмиллий жиноятчилик билан боғлиқ мураккаб ижтимоий иллат сифатида бутун дунё миқёсида жиддий таҳдидга айланмоқда. БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлар, жумладан “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция” ва “Коррупцияга қарши конвенция”, спортда коррупцияга қарши курашишда ягона ҳуқуқий асосни яратиб, давлатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар шундан далолат берадики, коррупцияга қарши самарали кураш фақат ҳуқуқий чоралар билан чекланмасдан, барча даражадаги ҳамкорлик, жамоатчилик назорати ва таълим-тарбия орқали амалга оширилиши лозим. Шу маънода, миллий қонунчиликни БМТ нормаларига уйғунлаштириш, спорт ташкилотлари фаолиятида шаффофликни ошириш ва жисмоний тарбия соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш бу борада муҳим омил ҳисобланади.

Ўз навбатида, спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда БМТнинг резолюциялари ва глобал ҳисоботлари муҳим илмий ва амалий йўналишларни белгилаб бермоқда. Ушбу ҳужжатлар спортда адолат ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчиликни коррупция оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, ёшларни коррупциядан ҳимоя қилиш ва соғлом спорт муҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, спорт ташкилотлари, давлат органлари ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ахборот алмашиш ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигини оширади.

Шу тариқа, спортда коррупцияни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун биргаликдаги чора-тадбирларни самарали амалга ошириш, халқаро стандартларга амал қилиш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимдир. БМТ ҳужжатлари ва резолюциялари бу соҳадаги ҳуқуқий ва институционал базани мустаҳкамлашда асосий йўналишни белгилаб, коррупцияга қарши курашишда глобал механизмларни такомиллаштиришга ҳисса қўшмоқда. Бу эса Ўзбекистон каби давлатлар учун ушбу халқаро тажриба миллий сиёсатни такомиллаштиришда самарали йўналиш сифатида қаралиши лозимлигини англатади.

Фикримизни БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Ю.Федотовнинг куйидаги сўзлари билан тугатишни ўринли деб биламиз. Спортни коррупциядан ҳимоя қилиш – бу ижтимоий ва иқтисодий манфаатлар келтирадиган сармоя эканлигига секин-аста тушунча пайдо бўлмоқда. Шу боис, биз биргаликда спортни холислик йўлида ҳимоя қилиб, спортдан ноқонуний даромад манбаи сифатида фойдаланувчи жиноятчиларга қарши курашишимиз ҳамда спортнинг тинчлик ва ривожланишга хизмат қилувчи восита сифатидаги аҳамиятига таҳдид солувчи омилларга қарши туришимиз лозим. Бу борада халқаро ҳамжамият спортдаги



коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган барча ўз саъй-ҳаракатларини йўналтириши керак<sup>26</sup>.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. 2003 йил.
2. БМТ Бош Ассамблеяси резолюциялари. 2003-2021 йиллар.
3. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Global Report on Corruption in Sport. 2021.
4. Transparency International. Corruption and Sport: An Overview. 2020.
5. Elyor Bozorov, E. B. (2025). Edge-Optimized Deep Learning for Early Driver Fatigue Detection in Trucking: A Spatiotemporal CNN–LSTM Approach. Edge-Optimized Deep Learning for Early Driver Fatigue Detection in Trucking: A Spatiotemporal CNN–LSTM Approach, 8(5), 2636-2652.
6. Walters, G., & Hamil, S. Corruption in Sport: Causes, Consequences and Reform. Journal of Sport Management, 2017.
7. Maennig, W. Corruption in international sports and sport management: forms, tendencies, extent and countermeasures. European Sport Management Quarterly, 2005. 5(2), 187-225.
8. Jennings, A.. Investigating corruption in corporate sport: The IOC and FIFA. International Journal of Sport Policy and Politics, 2011. 3(2), 187-201.
9. Bray, S. R., & Brawley, L. R. Corruption and performance outcomes in sport. Journal of Sport & Social Issues, 2002, 26(1), 66-87.
10. Gorse, S., & Chadwick, S. The prevalence of corruption in international sport: A statistical analysis. Journal of Business Ethics, 2011, 99(3), 471-484.
11. Hill, D., & Webb, T. Sport, corruption, and organized crime: Breaking the silence. Crime, Law and Social Change, 2017, 68, 365-378.

---

<sup>26</sup> Глава УНП ООН: «Необходимо защитить спорт от коррупции». <https://www.unodc.org/unodc/ru/frontpage/2018/June/anti-corruption-action-needed-to-safeguard-sports-as-tool-for-peace-and-development--says-unodc-chief.html>

